

Пудрат шартномаси №27-сон

Самарқанд шаҳар

2022 йил “09” август

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Самарқанд вилояти божхона бошқармаси номидан Фармойиш асосида иш кўрувчи бошлиғ ўринбосари Сейдеметов Илхам Оралбаевич бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган “QURILISH MATERIALARI KOMBINATI” МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи Равшанов Шавкат Омонович иккинчи томондан ““Жартепа” чегара божхона постинининг назорат ўтиш жойи жойлашган биноларни капитал таъмиглаш ва ҳудудини ободонлаштириш”га доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. Таърифлар

1.Мазкур шартномада таърифлар кўлланилади:

“ижро хужжатлари”: - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритолган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда кўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айrim маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда курилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар:

“курилиш майдони”: Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади.

“вақтинчалик ишлар”: Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

“беркитилган ишлар”:- сифати ва якунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

шартномани нархини бўлиб чиқиши: ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектни умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ ““Жартепа” чегара божхона постинининг назорат ўтиш жойи жойлашган биноларни капитал таъмиглаш ва ҳудудини ободонлаштириш” ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва харид комиссиясининг etender.uzex.uz ахборот порталаидаги 2022 йил “05” авгуистдаги 129879-рақамли лот бўйича электрон баённома билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 1 709 998 302 сўмни КҚС билан ташкил этади.

4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

5. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 1-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;
- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;
- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;
- қурилиш таваккалчилигини суғурта қилиш.

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдонини кўрикланишини таъминлаш;

қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник хафсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

6. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг зарур тарзда бажарилиш ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
- ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига 2 иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчи пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI. Ишларни бажариш муддати

8. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб, шартнома қонун хужжатларга мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради:

9. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

10. Танлов натижаси бўйича аниқланган курилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан **95 кунни ташкил** этади.

11. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

12. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 15% миқдорида, аванс ўтказади, бу **256 499 745 сўмни ташкил** этади.

13. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (2-илова)

14. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматнинг **80%** гача доирасида амалга оширилади.

15. Объектнинг шартномавий жорий қийматнинг қолган қисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб курилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати (бир йил) тамом бўлгандан кейин ишлар қийматининг **5%** гача миқдорида, амалга оширилади:

16. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

18. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – Техник назоратчини тайинлади, у Буюртмачининг номидан бажарилётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

19. Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

20. Пудратчи Техник назоратчи ишлаш учун жой билан таъминлади. Техник назоратчи Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

21. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

22. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини қурилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

23. Қурилиш майдонида умумий тартиби таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

24. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

25. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тұғрисидаги далолатнома имзоланган күндан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бүйіч ашыларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка)қилиш учун Пудратчига геодезия нұқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

26. Пудратчи геодезия нұқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг түғри ва зарур тарзда белгилениши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги түғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

27. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни сақлади, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

28. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нұқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

29. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

30. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

31. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиққабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

32. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.


33. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бухакда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манбаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишлиарни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар хисобланмайди.

34. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

35. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода сақлади, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқарип ташлайди.



36. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вактида етказиб берилмасилиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қоникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикирини баён қиласди.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равиша кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларини қўриқлаш

37. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунча ва қурилиш тугалланган обьект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони худудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

38. Тикланган бинова иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар обьект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

39. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равища узайтирилади.

40. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиласди.

41. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга қўшилди.

XI. Қурилиши тугалланган обьектни қабул қилиб олиш

42. Қурилиши тугалланган обьектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган обьектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

43. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 15 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

44. Пудратчи қурилиши тугалланган обьектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгилаган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равища тасдиқлаши керак.

45. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб обьект Буюртмачининг мулкига айланади.

ХII. Кафолатлар

46. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқхажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;
- лойиҳа хужжатлари ҳамда курилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;
- ўзи томонидан курилиш учун қўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиҳа хужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;
- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишининг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилиниши;

объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

47. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар курилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида **12 ой** этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камида **24 ой** этиб белгиланади.

48. Агар объектдан фойдаланишининг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланишин давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларида нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

49. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиши курилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

ХIII. Шартномани бекор қилиш

50. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганда;
- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечикирилган ҳолда,
- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб кўйилганда;
- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

52. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш обьекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

53. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

54. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

55. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

56. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

57. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,1% миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

58. Пудратчи обьектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси обьект шартномавий жорий қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди

59. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчиҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг холосаси асосида обьектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида ундириш ҳукуқига эга.

60. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

61. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

62. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чикилади.

XVI. Алоҳида шартлар

63. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

64. Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хуқуқига эга бўлмайди.

65. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

66. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдобўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равища тасдиқлаши керак.

67. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учунҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

68. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари қўлланилади.

69. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилади.

XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари.

Буюртмачи:

Самарқанд вилоят божхона бошқармаси
Самарқанд ш. Бўстонсарой кўчаси 85^а-йй
Банк: АТ “Алоқа банк” Тошкент шаҳар Бош
офиси
X/P 20203000700533800001
МФО 00401 ИНН 202 094 114



Бошлиқ ўринбосари

(имзо)

M.Y.

И.Сейдеметов

Пудратчи:

"Qurilish Materiallari Kombinati" МЧЖ
Самарқанд ш. М.Улугбек кўчаси 76А-йй
Банк: Тошкент ш.АТБ “Қишлоқ қурилиш
банк”
Бош Амалиётлар бошқармаси
X/P:20208000900439898001
МФО: 01037 ИНН: 201 158 929

Рахбар:

(имзо)

Ш.Равшанов



10	YURIDIK XIZMAT	№ 84
imzo	2022 Y 09.08	


**Объектда бажариладиган курилиш-монтаж ишлари
ЖАДВАЛИ**

T/P	Ишлар номланиши	Ишларни бошлаш санааси	Ишларни тутатиш санааси
1	2	3	4
1	Демонтажные работы	09.08.2022	10.08.2022
2	Стены КПП № 1 и 2	11.08.2022	22.08.2022
3	Оконные блоки и ветражы	23.08.2022	01.09.2022
4	Кровля	02.09.2022	11.09.2022
5	Внутренняя отделка и полы	12.09.2022	23.09.2022
6	Наружная отделка	24.09.2022	03.10.2022
7	Крыльцо	04.10.2022	13.10.2022
8	Сантехнические работы ВиК, ОВ	14.10.2022	24.10.2022
9	Благоустройства	25.10.2022	03.11.2022
10	Прочие работы	04.11.2022	13.11.2022
11	Слабаточные работы	04.11.2022	11.11.2022

Ишларнинг номи ва турихар бир аниқхолда ишшотнинг хусусиятларига караб аниклаптирилади.

1. Мазкур жадвал шартнома (контракт)нинг иловаси хисобланади ва унинг ажралмас кисми деб каралади.
2. Келгуси йиллардаги курилиш ишлари учун хам шундай график тузилади.

БУЮРГТАЧИ:
Рахбар:
М.У.



Муріліш Реконструкция және монтаж
ПУРГАТЧИ: *М. Сайфуллоев*

ПУРГАТЧИ:
Рахбар

Муріліш Реконструкция және монтаж




10 YURIDIK XIZMAT № 84
imzo <i>[Signature]</i> 2022.09.08

““Жартепа” чегара божхона постинининг назорат ўтиш жойлашган биноларни капитал таъмирлаш ва худудини ободонлантириш”

Ишларни (боскичларга бўлган холда) бўнак ва жорий молиялаштириши хисобга олган холдаги молиялаштириш жадвали

Молиялаштириш шарти	Курилиш йиллари 2022 йил.					
	Ойлар	Маркетинг	Маркетинг	АБРСТ	Чехтаги	Хориги
30 % бўнак(аванс) тўлови					256 499 745	
65 % бажарилган ишлар далолатномаларига асосан					626 999 377	370 499 632
						370 499 632
						370 499 632
2023 йил						
5 % тўлов кафолат мулудати тутаганидан сўнг						85 499 915



БУЮРТМАЧИ:
Рахбар:

М.ў.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



Харид комиссияси раиси,
Самарқанд вилояти божхона
бошқармаси бошлиғи ўринбосари
Сейдеметов И.Сейдеметов

“09” 08 2022 йил

Самарқанд вилоят божхона бошқармасининг энг яхши таклифларни
танлаш бўйича харид Комиссия йиғилиш

БАЁНИ № 3

2022 йил “09” август

Самарқанд шаҳри

Раислик қилди: Комиссия раиси

И.Сейдеметов

Қатнашдилар: Комиссия аъзолари Молия-иқтисодиёт бўлими
бошлиғи в.б. А.Санакулов, Моддий-техника
таъминоти бўлими бошлиғи У.Ходжаев, АКТ ва
киберхавфсизликни таъминлаш гурӯҳи катта
инспектори Ж.Тўхташев, Капитал қурилиш гурӯҳи
бош инспектори Х.Мамазияев ҳамда котиб Моддий-
техника таъминоти бўлими экспедитори
Х.Умирзақов

КУН ТАРТИБИ:

“Жартепа” чегара божхона постинининг назорат ўтиш жойи жойлашган
биноларни капитал таъмирлаш ва ҳудудини ободонлаштириш бўйича
2022 йилнинг 28 июль куни etender.uzex.uz махсус электрон ахборот порталига
жойлаштирилган 129879-сонли эълон бўйича таклифларни таққослаш
натижаларига кўра харид комиссияси томонидан танлаш ўтказиш натижалари
юзасидан электрон расмийлаштирилган баённоманинг муҳокамаси тўғрисида.

(И.Сейдеметов, У.Ходжаев, А.Санакулов, Х.Мамазияев, Ж.Тўхташев)

Харид комиссияси раиси йиғилишни очиб бериб, кун тартиби бўйича
қатнашчиларни таништириди.

И.Сейдеметов ўз сўзини давом этиб, Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2022 йил 27 апрелдаги "Божхона маъмуриятчилигини янада
такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-122-сон
Фармони 1-иловаси 17-бандига асосан Самарқанд вилояти божхона
бошқармаси "Жартепа" чегара божхона пости назорат ўтказиш жойи
жойлашган биноларни капитал таъмирлаш ва божхона пости ҳудудини
ободонлаштириш йўналишида "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонунига
acosan, бошқарманинг 2022 йил 16 июлдаги 1560их-сонли объектни капитал
таъмирлаш ишларига пудратчини аниқлаш юзасидан "энг яхши таклифларни
танлаб олиш бўйича харид ҳужжатлари" ишлаб чиқилиб, жорий йилнинг

28 июль куни etender.uzex.uz махсус электрон ахборот порталига 129879-рақамли лот билан эълон жойлаштирилганлигини айтиб ўтди.

Шундан сўнг, кун тартибидаги масала юзасидан комиссия аъзоси Х.Мамазияев сўз олиб, эълон бўйича 2022 йил 4 август куни танлов якунланиб, комиссия аъзолари томонидан иштирокчилар тақдим этган таклифларни таққослаш натижаларига кўра махсус ахборот порталида жорий йилнинг 5 август куни электрон баённома расмийлаштирилганлигини ва танлов натижаларига кўра, “QURULISH MATERIALLARI KOMBINATI” МЧЖ ғолиб ҳамда “БИНОКОР” МЧЖ захирадаги ғолиб деб топилганлигини маълум қилди.

Шундан сўнг, махсус ахборат портал автоматик равишда электрон баённома икки иш кунига электрон тизимида муҳокамага жойлаштирилиб, муҳокама бўлганлиги билдириб ўтди.

Махсус ахборот портилида ушбу эълоннинг муҳокама қисмида танлов баёни натижаси бўйича икки иш куни ичида (08.08.2022 йил ҳолатига) танлов иштирокчилари томонидан баённома юзасидан эътиrozлар келиб тушмаганлигини маълум қилди.

Йиғилишда таъкидлаб ўтилганларни инобатга олиб, эълоннинг муҳокама қисмида танлов баёни натижаси бўйича белгиланган муддатда танлов иштирокчилари томонидан эътиrozлар келиб тушмаганлигини сабабли, Комиссия

ҚАРОР ҚИЛАДИ

1. Комиссия йиғилиш кун тартибига қўйилган масала кўриб чиқилган деб топилсин.

2. “Жартепа” чегара божхона пости назорат ўтказиш жойи жойлашган биноларни капитал таъмирлаш ва божхона пости ҳудудини ободонлаштириш бўйича пуррат ташкилотларни аниқлаш учун “энг яхши таклифларни танлаб олиш” бўйича 129879-сонли эълон юзасидан жорий йилнинг 5 август куни тузилган электрон баённома муҳокамасида икки иш кунига электрон тизимида иштирокчилари томонидан эътиrozлар келиб тушмаганлигини инобатга олиб, танлов ғолиби “QURULISH MATERIALLARI KOMBINATI” МЧЖ билан пуррат шартномаси тузилсин.

Комиссия котиби:

Х.Умирзақов